



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 27 март, № 59 (5479)

Сешанба

## Мамлакатимизда:

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Жиззах

Бахмал туманида лойиҳа қиймати 100 миллион сўмлик "Бахмал шаффофи" хусусий корхонаси фаолият бошлагач, 15 киши доимий иш билан таъминланди.

### Кичик бизнес ривож топмоқда

Президентимиз томонидан хусусий тадбиркорликка берилган эътибордан эътиборан руҳланиб, ўтган йили оилавий бизнесимни йўлга қўйдим, — дейди корхона раҳбари Рамина Рахматуллаева. — Ўз маблағимиздан ташқари, банкдан олган 50 миллион сўмлик кредит эвазига автомобилларга сервис хизмати кўрсатиш шохбаси, қишлоқ хўжалиги техникаларига эҳтиёт қисмлари тайёрлаш ва тикувчилик цехларини таш-

кил этдик. Тикувчилик цехимизда болалар, аёллар кийимлари ва махсус кийим-кечақлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик. Туманда ўтган йили кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун 9,2 миллиард сўмдан ортиқ банк сармоялари йўналтирилиб, 200 га яқин ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектлари ишга туширилди.

У. АДИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Бухоро

Бухоро шаҳридаги "Файз савдо дунёси" масъулияти чекланган жамиятида йилга 715 дона мебель жиҳозлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳа амалга оширилди.

### Маҳсулот тури кўпайди

Бунинг учун 600 минг АҚШ долларлик банк кредити ҳамда ўз маблағимиз эвазига хориждан замонавий технологиялар харид қилдик, — дейди корхона мутасаддиси Лутфулла Саломов. — Бу эса мебель маҳсулотлари турини элликтадан ошириш имконини берди. Ўтган қисқа муддатда савдо тармоқларига 1 миллиард сўмликдан зиёд уй жиҳозлари чиқаришга эришдик.

Кўхна шаҳарда юқоридаги каби лойиҳаларнинг ҳаётга жорий этилиши туфайли ўтган йилнинг ўзига 300 та иш ўрни яратилди.

И. ИБРОХИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Самарқанд

Бугунги бозор муносабатларига ўтиш шароитида саноат корхоналари истиқболлини илгор технологияларсиз тасаввур этиш қийин.

### Янги технология самараси

Буни яхши англаган Нарпай туманидаги "Оқтошон" хусусий корхонаси жамоаси янги лойиҳани амалга оширди. Бу ерга "Ўзбек Лизинг Интернешнл АО." компанияси кўмаги билан Россиядан қиймати 51 минг 800 АҚШ долларига тенг нон ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган замонавий ускуналар келтириб ўрнатилди. Пировардида корхонада тайёрланаётган

маҳсулотлар сифати тубдан яхшиланиши баробарида, ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 40 фоизга ортди. Жамоа аҳоли дастурхонига 2011 йилнинг ўзига 855 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берди.

Ўтган йили вилоят саноатида 255 та лойиҳа ҳаётга жорий этилиб, 1197 та иш ўрни яратилди.

М. ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Андижон

Хонобод шаҳридаги "Фозилжон Зилол сув" хусусий корхонасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлайдиган қоплар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

### Тадбиркор корхонасини кенгайтирди

Ушбу лойиҳани амалга оширишда банкнинг 200 миллион сўмлик кредити қўл келди. Қишлоқ ёшларидан 10 нафари меҳнат қилаётган мазкур корхонада ҳозиргача 220 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрлашга эришилди.

Шаҳарда ўтган йили юқоридаги сингари истиқболли лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш учун корхоналар томонидан 197,8 миллион сўм ҳамда молия институтларининг 455 миллион сўмлик кредит маблағлари йўналтирилди.

О. ШОДНОАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# ЗАМОНАВИЙ ВА МАЛАКАЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ

аҳолининг саломатлигини ишончли муҳофаза қилиш ва шифокорлар меҳнатини янада қадрлашда муҳим аҳамият касб этмоқда



Халқимиз саломатлигини янада мустаҳкамлаш, юртимизда маънан етук ва жисмонан соғлом авлод камолга етишни таъминлаш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Зеро, бугун мамлакатимиз тиббиёт муассасаларида энг муқаммал ва замонавий шарт-шароитлар яратиш ҳамда тиббий хизмат сифатини оширишга жиддий эътибор қаратилаётган. Бу борада, айниқса, Президентимиз Фармонида мувофиқ қабул қилинган ва босқичма-босқич амалга оширилаётган соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга оид Давлат дастури алоҳида ўрин тутмоқда.

### Танлов

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатга кўра, жойларда ихтисослаштирилган шифо масканлари фаолияти йўлга қўйилиб, ушбу муассасаларнинг жаҳон андоза-

лари даражасидаги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланганлиги ҳасталикка аниқ ташхис қўйиб, самарали муолажа усулларини қўллаш имконини

бераёпти. Хусусан, юртимизда шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишнинг ўзига ҳос тизими шакллантирилганлиги ва аҳолига тезкор сифатли тиббий хизмат

кўрсатилаётгани бунинг амалий тасдиғи бўла олади.

Бугунги кунда энг юқори талаб ва мезонларга мос ихтисослаштирилган вилоят шифохоналари ҳамда уларнинг шаҳар ва туман бўлиmlлари қошидаги тез тиббий ёрдам хизмати бўлиmlларида буткул янгича тизим шакллантирилди. Ушбу тизим асосида ҳозир Республика шошилинч тиббий ёрдам марказининг жойлардаги 13 та минтақавий филиали, шунингдек, 174 та туман ва шаҳар бўлиmlлари фаолият кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, тез тиббий ёрдам кўламини кенгайтириш ҳамда ушбу йўналишдаги муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида мазкур тизим сўнгги йилларда қарийб 800 та махсус транспорт воситалари билан таъминланди ва олис ҳудудларга барча замонавий алоқа воситалари етказиб берилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 21 майда қабул қилинган "Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори соҳада амалга оширилаётган илмий-амалий ишларни мунтазам такомиллаштириб боришда муҳим дастурий-амал вазифасини ўтамоқда. Жойлардаги тиббий муассасаларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш ҳамда соҳа ходимлари малакасини ошириш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар олиб борилаётганлиги бунинг яққол тасдиғидир.

Мана, уч йилдирки, соҳада фаолият юритаётган малакали мутахассисларнинг билим ва тажрибасини янада кенг тарғиб қилиш ҳамда намунали ходимларни муносиб рағбатлантириш мақсадида республикамиз миқёсида махсус кўрик-танлов ўтказиб келинмоқда. Ушбу нуфузли танлов бу гал ҳам қизгин беллашувларга бой бўлди. Наврўз айёми юртимизда кенг нишонланаётган шу кунларда эса унинг голиб ва совриндорларини тантанили тақдирлаш маросими ўтказилди.

(Давоми 2-бетда).

## Мурувватдан диллар баҳраманд

Эзгулик ва хайру саховат — халқимизга хос фазилат. Зеро, айна кунларда савобга йўғрилган ташаббуслар юртимиз бўйлаб янада кенг қанот ёймоқда.

### Саховат

Бунга "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Аёллар кенгаши" республика жамоат бирлашмаси, "Меҳр нури" жамоат жамғармаси ҳамда Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди ҳамкорлигида ўтказилаётган тўйлар мисолида ҳам гувоҳ бўлиш мумкин.

Маълумки, 2012 йилнинг март — сентябрь ойларида юртимиз бўйлаб кенг қам-

ровли хайрия акцияси ўтказилди. Лойиҳага мувофиқ, белгиланган муддат ичида ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд оилалар фарзандларининг 1000 та никоҳ ва яна шунча суннат тўйлари бўлиб ўтади. Лойиҳа иштирокчиларига ташкилотчи жамғармалар томонидан махсус совғалар ва келинлар учун "Gull" брендининг тўй либослари тақдим этилиши кўзда тутилган.

Ушбу хайрли тадбир 25-26 март кунлари Навоий вилоятида юксак савияда ўтказилди. Шу кунлари вилоятдаги кам таъминланган оилалар фарзандларининг 73 та никоҳ ва 88 та суннат тўйлари тантана қилинди. — Мустаҳкам оила йилида янги ҳаёт бошлаётган ёшларимизнинг юз-кўзлари бахтдан ёниб турибди, бу, албатта, биз учун ҳам қувонарли ҳол, — дейди Навоий вилояти "Аёллар кенгаши" жамоат бирлашмаси раиси Моҳира Шарипова. — Болажонларнинг қувончини айтмайсизми?! Зарбоф тўнлар кийиб,

(Давоми 2-бетда).

### «Ташаббус — 2012»

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун тадбиркорлар, фермерлар ва хўнарамандлар ўртасида ўтказиб келинаётган "Ташаббус" кўрик-танлови иқтисодий тизимнинг етакчи соҳаларига янгиликларни жорий қилиш, тармоқлараро алоқаларни ривожлантириш, шунингдек, ишбиланмонларнинг илгор ғоя ва ютуқларини тарғиб қилишда муҳим майдонга айланди. Шу боис унинг қамрови йил сайин кенгайиб, иштирокчилар сони ҳам ошиб бораёпти. Танловнинг бу йилги ҳудудий ва вилоят босқичлари ўта қизгин ҳамда самарали ўтгани бунинг яққол далилидир.

## Интилиш ва изланишлар меваси

### Қорақалпоғистон Республикаси

Қорақалпоғистоннинг чекка қишлоқ ва овулларида кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда "Ташаббус" аънавий кўрик-танловининг хизмати катта бўлмоқда.

Республика босқичи иштирокчилари фаолияти билан танишар экансиз, Орол-бўйида иқтисодий тизимнинг тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги ва оилавий бизнес соҳалари жадал ривожланаётганига яна бир қарра ишонч ҳосил қиласиз. Чунки бу ерда ишлаб чиқаришда замонавий технологиялар талаб этилаётган импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар, жаҳон андозалари даражасида қайта ишланган экспортбоп

озиқ-овқат маҳсулотлари, санъат асарлари даражасидаги ранго-ранг хўнарамдчилик буюмлари кенг қўламда намоиш қилинди. Улар мутахассислар томонидан юқори баҳолангани диққатга сазовордир.

"Энг яхши тадбиркор" номинациясида Беруний туманидаги "Жайхун-Дарё-Деликатес" хусусий корхонаси раҳбари Баҳром Абдуллаев, "Энг яхши фермер" номинациясида Хўжайли туманидаги "Собир ота" фермер хўжалиги раиси Айтимбет Собуров, "Энг яхши хўнарамд" номинацияси бўйича эса Нукус шаҳрилик хўнарамд Озод Утарбоев голиблани қўлга киритди.

Х. АХМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

2-бетга қаранг.

### Бевосита мулоқот

Пойтахтимизда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ташаббуси билан навбатдаги "он-лайн" мулоқот ўтказилди.

### Қадриятлар маскани

Мустаҳкам оила йили мавзуга бағишланган мазкур тадбир "Оила маънавиятини шакллантиришда миллий қадриятларнинг ўрни" деб номланди. Унда Ҳаракат фаоллари, талаба ва ўқувчи-ёшлар, экспертлар ҳамда элга таниқли санъаткорлар иштирок этди.

Тадбирда экспертлар бебаҳо миллий қадриятларимиз мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилишда санъатнинг аҳамияти беқиёс эканлиги хусусида тўхталиб, интернет орқали мурожаат этган ёшлар билан бу борада мулоқотга киришилди.

Тадбирда экспертлар бебаҳо миллий қадриятларимиз мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилишда санъатнинг аҳамияти беқиёс эканлиги хусусида тўхталиб, интернет орқали мурожаат этган ёшлар билан бу борада мулоқотга киришилди.

Тадбирда экспертлар бебаҳо миллий қадриятларимиз мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилишда санъатнинг аҳамияти беқиёс эканлиги хусусида тўхталиб, интернет орқали мурожаат этган ёшлар билан бу борада мулоқотга киришилди.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2012 йил 24 март куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси ўз ишчи тамолади. Сенаторлар ялпи мажлисининг иккинчи кунини Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўз вазифасини ўтказишда ҳисобот даврида прокуратура органлари томонидан қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда профилактика қилиш юзасидан катта иш амалга оширилганлиги қайд этилди.

Прокуратура органлари олдида кўрилган вазифаларни бажариш юзасидан қонунларнинг ижро этилиши бўйича 26773 та текширув ўтказилди, текширилганнинг натижалари бўйича деярли 320 мингта прокурор назорати ҳужжати қўлланилди, 55 минг нафардан ортиқ фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари қайта тикланди.

Прокуратура органлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қонунни бузиш ҳолларини бартараф этиш бўйича 5 мингдан ортиқ прокурор назорати ҳужжати қўлланилди. Прокурор назорати ҳужжатлари билан 1639 та тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тикланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан тасдиқланган 2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини тармоқларда ва минтақалар бўйича ижро этиш юзасидан прокурор назорати тадбирлари мунтазам ўтказиб борилади.

Хисоботни муҳокама қилиш вақтида сенаторлар томонидан Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг мамлакатда қонунийликни таъминлаш борасидаги фаолиятини, шунингдек, фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш, кичик бизнесни ва

хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳақидаги қонун ҳужжатларини ижро этиш устидан прокурор назоратини янада такомиллаштириш юзасидан бир қатор тавсия ва тақлифлар баён этилди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2011 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини тинглаб, муҳокама қилдилар. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ўтган давр мобайнидаги фаолиятини кўриб чиқар эканлар, сенаторлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини таъминлашга, мамлакатда экологик вазиятни соғломлаштиришга йўналтирилган тадбирларнинг муҳимлигини кўрсатиб ўтдилар. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича 2008 — 2012 йилларга мўлжалланган ҳаракат дастури тадбирлари бажарилишининг бориши устидан назоратни амалга оширишга алоҳида эътибор берилди.

Вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар томонидан мамлакатда экологик вазиятни яхшилаш бўйича табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари бажарилиши натижасида ифлослантирувчи моддаларни атмосферага чиқариш 5,2 минг тоннадан кўпроқ миқдорда қисқартирилди, 61,18 мингта автомобиль газ ёқилгисига ўтказилди, Навоий, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида қон шиларини олиб бориш натижасида бузилган 273,73 гектар рекултивация қилинган ерлар фойдаланишга қайтарилди. Навоий, Наманган, Сурхондарё, Сирдарё, Қашқадарё вилоятларидаги ижтимоий аҳамиятга молик объектларда энергиянинг қайта тикланадиган манбаларини жорий этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилди.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Жорий йилдан бошлаб жисмоний шахслардан олинadиган даромад солигининг энг паст ставкаси 10 фоиздан 9 фоизга пасайтирилди.

## СОЛИҚ ЮКИ КАМАЙТИРИЛМОҚДА

Бу, аввало, кам иш ҳақи тўланадиган ишловчилар тоифаси даромадларининг кўпайишига сезиларли равишда ижобий таъсир кўрсатади, уларнинг ижтимоий муҳофазаси кучайтирилишига хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда).

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда)

Айни вақтда 2012 йилда ва келгусида экологик хавфсизликни таъминлаш учун комплекс тадбирлар ишлаб чиқиши ҳамда амалга оширилиши талаб қилладиган айрим камчилик ва нуқсонлар ҳам қайд этилди.

Сўнгра сенаторлар Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2011 йилда давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат тузилмалари томонидан қонунларнинг ижро этилиши ҳолати тўғрисидаги ахборотини тингладилар. Муҳокама жараёнида қайд этилгандек, ўтган йилда Адлия вазирлиги томонидан давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармаси томонидан 2011 йилда 23 та давлат органи тизимиде 39 та ўрганиш ўтказилган бўлиб, уларнинг натижалари бўйича ушбу органлар ишда қонун ҳужжатлари сўзсиз ижро этилишига, норма ижодкорлиги фаолиятининг самарадорлигини, давлат органлари ходимларининг ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар кўрилди.

Муҳокама жараёнида сенаторлар давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат тузилмаларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётида қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан тизимли назоратни, шунингдек, давлат органларининг норма ижодкорлиги соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш ва унга услубий раҳбарлигини таъминлашга қаратилган ишнинг самарадорлигини янада оширишга эътиборни қўйиштириш зарурлигини кўрсатиб ўтдилар.

Конституция нормаларига мувофиқ ҳамда Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан парламент назоратини қўйиштириш юзасидан белгиланган қонунларни рўйбга чиқариш доирасида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари билан тасдиқланган 2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг амалга оширилиши ҳақида ижро этилиши тўғрисидаги масала юзасидан парламент эшитувини ҳам ўтказдилар. Мажлисида вазирлик томонидан бошқа манфа-

адор идоралар, тармоқларнинг ҳўжалик бошқаруви органлари, барча даражалардаги ҳокимликлар билан биргаликда 2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг ҳамма йўналишлари бўйича тизимли иш амалга оширилганлиги кўрсатиб ўтилди. Натижада Дастур 101,5 фоизга бажарилди. 970,9 мингта еки назарда тутилганидан 14,6 мингтага кўп янги иш ўринлари ташкил этилди. Чунончи, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурини ҳамда яқна тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш жараёнида 113,1 мингта янги иш ўрни (101,1 фоиз) ташкил этилди. Чорвачиликка, паррандчиликка, балиқчиликка, богдорчиликка, мева-сабзавот маҳсулотини қайта ишлаш ва саклашга ихтисослашган фермер ва деҳқон ҳўжаликларини кенгайтириш, шунингдек, иссиқхона ҳўжаликларини ташкил этиш 126,6 мингта (103,4 фоиз) иш ўрни ташкил этилишига олиб келди. Коллежларнинг 430,3 минг нафар битирувчиси бандлигини таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди, қўрилган чоралар натижасида 2011 йил охирига келиб 402,4 минг битирувчи еки уларнинг 93,6 фоизи ишга жойлаштирилди.

Муҳокама жараёнида сенаторлар 2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини минтақаларда сўзсиз бажариш, шунингдек, ушбу масъулиятли вазифани ҳал қилишда давлат органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни қўйиштириш бўйича қатор тавсияларни баён этидилар. Барча тингланган ҳисоботлар ва тақдим этилган ахборот юзасидан Олий Мажлиси Сенати тегишли қарорлар қабул қилди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатларига таллуқли бошқа масалаларни ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни қўйиштириш бўйича қатор тавсияларни баён этидилар. Барча тингланган ҳисоботлар ва тақдим этилган ахборот юзасидан Олий Мажлиси Сенати тегишли қарорлар қабул қилди.

Сенатнинг икки кунлик мажлисида сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларини изчил ислох қилиш ва либераллаштиришга қаратилган, тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни, аҳолининг бандлиги ва турмуш даражасини ошириш, мамлакатда қўнунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашни назарда тутадиган 21 та масала, шу жумладан 10 та қўнун кўриб чиқилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси ўз ишини тамомлади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

### Ўзбекистон Республикасининг Озарбойжон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Шерзод Мирагламович **Файзиев** Ўзбекистон Республикасининг Озарбойжон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси лавозимига тайинлансин.
2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан қўйиш қиради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И. СОБИРОВ**

Тошкент шаҳри, 2012 йил 24 март.

# ЗАМОНАВИЙ ВА МАЛАКАЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ

аҳолининг саломатлигини ишончли муҳофаза қилиш ва шифокорлар меҳнатини янада кадрлашда муҳим аҳамият касб этмоқда

(Давоми. Бошланғич 1-бетда)

Тадбирда алоҳида эътироф этилгандек, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида соҳа ходимларининг меҳнати ва интилишини қўллаб-қувватлаш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Буни биргина тизимни ривожлантиришга йўналтирилган эзгу сазий-ҳаракатлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, Юртбошимиз қарорига мувофиқ, 2009 — 2011 йилларда тез тиббий ёрдам бўлимларига қарийб 700 та махсус автомашина берилди. Ўтган йили эса жами

8,8 миллион нафар беморга тасдиқнома ва бир миллион нафар беморга амбулатор ёрдами кўрсатилди. Тез тиббий ёрдам "03" ва санитар авиация хизмати томонидан 7 миллион муурожаатлар қаноатлантирилди.

...Кўрик-танловнинг якуний натижаларига кўра, Қашқадарё вилояти, Ғузур тумани тиббиёт бирлашмаси тез тиббий ёрдам бўлими "Энг намунали тез тиббий ёрдам станцияси" номинацияси бўйича голиб, деб топилиди ва бош соврин — "Дамас" автомашина билан тақдирланди. Тош-

# Интилиш ва изланишлар меваси

## Жиззах

"Ташаббус — 2012" кўрик-танлови вилоят босқичида тадбиркорлик, фермерлик ва хўнармандлик соҳасида кўллаб янги номлар кашф этилди. Бу мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти учун яратилган қўлай муҳитнинг юксак самарасидир.

Иштирокчилар томонидан ташкил қилинган маҳсулотлар намоиши эса ўзига хос кўргазма-савдо ишбилармонларнинг импорт ўрнини босувчи, айни пайтда экспортга мўлжалланган энг сара маҳсулотлари тақдим этилди. Натижада ишлаб чиқарувчилар ҳамкорлик бўйича келишувларга ҳам эришди.

Танлов якунига кўра, Жиззах шаҳридаги "Жиззах Кўжинур" пил-ланги қайта ишлаш хусусий корхонаси раҳбари Холисхон Бобоева "Энг яхши тадбиркор", Жиззах туманидаги "Чақмоқ" чорвачилик фермер ҳўжалиги раҳбари Зафар Ҳакимов "Энг яхши фермер", Жиззах шаҳрида яшовчи Файзулла Жўрабеков "Энг яхши хўнарманд" йўналишлари бўйича голиб деб топилиб, "Ташаббус — 2012"нинг республика босқичига йўлланма олдилар.

**У. АДИЛОВ,**  
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## Тошкент вилояти

Бугунги кунда вилоятда 44 мингдан ортиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият юритаётган бўлиб, улар иқтисодий ривожда ҳал қилувчи кучга айланмоқда. Кичик бизнеснинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши қарийб 60 фоизга етгани бунга мисол бўла олади.

Ўрта Чирчиқ туманида бўлиб ўтган "Ташаббус — 2012" кўрик-танловининг вилоят босқичида тадбиркорлар эришаётган ютуқларда соҳага қаратилган эътибор ва ғамхўрлик муҳим омил бўлаётгани алоҳида таъкидланди.

Танловда ҳудудий босқичларда 500 дан зиёд номзодлар орасидан саралаб олинган тадбиркор, фермер ва хўнармандлар ўзаро беллашдилар. Улар фаолиятини баҳолашда маҳсулотлар кўргазмасидан тортиб, эришган ютуқлари, яратган янги иш ўринлари, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жалб этиш босқичида интилишлари каби бир қатор омиллар асосий мезон қилиб олинди.

Яқунда Зангиота тумани-

**Ф. ШЕРАЛИЕВ,**  
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## Қашқадарё

"Ташаббус — 2012" кўрик-танловининг бу йилги ҳудудий босқичларида вилоятда самарали фаолият юритаётган мингга яқин тадбиркор, фермер ва хўнармандлар камраб олинди. Айниқса, оилавий бизнес субъектлари ва тадбиркор аёллар ҳар доимгидан кўра фаоллик кўрсатишди.

Муллағўйчи Тошмухамедов номидаги вилоят мусиқали драма театрида ўтказилган тадбирда кўрик-танловнинг ҳудудий босқичида сараланган 41 тадбиркорлик субъекти ўз маҳсулотлари билан қатнашди. Фолибларни аниқлашда иштирокчиларнинг сўнги уч йилдаги иқтисодий кўрсаткичлари, хусусан, ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жалб қилиш, илғор инновацияларни таътиб этиш, қўшимча иш ўринлари яратиш, экспорт амалиётлари, шунингдек, ишчиларнинг

да етук маънавиятли фарзандлар камол топиши нафақат ота-она, балки маҳалла-қўй, таълим муассасаси, қолаверса, санъат ва

лойиҳа муаллифи Шухрат Сатторов. — Чунки маънавий тарбия масаласига бағишланган тадбирларга ёшларни кенг жалб қилиш-

# Қадриятлар маскани

ижод аҳлининг ҳам бурчи эканлигини алоҳида қайд этилди.

— Он-лайн мулоқотларимизга экспертлар билан биргаликда танқити санъаткорлар ҳам тақлиф этилаётганлиги бежиз эмас, — дейди "Камолот" ЁИХ масъул ходими, мазкур

да бу энг самарали усуллардан биридир. Қўвонарлиси, бевосита мулоқот жараёнида ёшларнинг иштироки тобора ортиб бормоқда. Бу галги тадбирда тўрт минг нафардан зиёд мамлакатимиз ёшлари ва хорижда таълим олаётган йигит-қизлар фаол қатнашган-

даги "Дента-Фил-плюс" хусусий корхонаси раҳбари Комилжон Қосимов "Энг яхши тадбиркор", шу туманлар орасидан саралаб олинган тадбиркор, фермер ва хўнармандлар ўзаро беллашдилар. Улар фаолиятини баҳолашда маҳсулотлар кўргазмасидан тортиб, эришган ютуқлари, яратган янги иш ўринлари, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жалб этиш босқичида интилишлари каби бир қатор омиллар асосий мезон қилиб олинди.

**Ф. ШЕРАЛИЕВ,**  
**"Халқ сўзи" мухбири.**

**А. МУҲАММАДИЕВ,**  
**"Халқ сўзи" мухбири.**

лиги шундан далолат бериб турибди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда виртуал оламнинг инсон онгига салбий таъсир этувчи жиҳатлари пайдо бўлаётган бир пайтда бу каби мазмунли мулоқотлар айни муддаодир. Шунингдек, оила психологияси каби мавзуларда ҳам тажрибали мутахассислар иштирокида он-лайн тадбирларни ташкил этишни режалаштиришмоқда.

**Муборак ОХУНОВА,**  
**"Халқ сўзи" мухбири.**

**А. МУҲАММАДИЕВ,**  
**"Халқ сўзи" мухбири.**

(Давоми. Бошланғич 1-бетда)

тўй бола бўлиб юришибди. Уларнинг барига қимматбаҳо эсдалик совғалари, байрамона либослар топширилди. Энг муҳими, файзу хуррамликка тўла бу тўйлар бугун минглаб инсонларнинг кўнглига ёруғлик, дилга қувонч бахш этмоқда.

# Мурувватдан диллар баҳраманда

Илк тўйлар Навоий шаҳридаги "Висол" тўйхонасида бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда вилоят ҳокимлигининг масъул ходимлари ҳамда Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди бошқаруви вакиллари, оила қураётган ёшлар ва болажонларнинг ота-оналари, яқинлари иштирок этишди. Даврада изҳор қилинган эзгу тилак ва ниятлар шўх кўй-қўшиқларга улашиб кетди.

— Ўғлимиз Қомронбекнинг суннат тўйи шу қадар ёдда қоларли, хурсандчиликка бой бўлади, деб ўйламаган эдим, — дейди Мунира Ҳақназарова қувончони биз билан бўлишар экан. — Шундай саховатпеша юртдошларимиз борлиги учун ҳам, самимий ғамхўрлик ва эътибордан баҳраманд ашаётганимиз учун ҳам биз бугун ниҳоятда бхаттирмиз. Насиб этса, ўғлимиз униб-ўсиб вояга етса, мана шу беминнат яхшиликларга жавобан, юрт ишончини оқлайдиган солиҳ фарзанд бўлади. Бир она сифатида мен буну юрак-юрагимдан ҳис қилаяман...

**Азамат ЗАРИПОВ,**  
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# ЮКСАК ЭЪТИРОФГА МУНОСИБ БЎЛАМИЗ

Президентимизнинг халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқини барчамиз диққат билан тингладик. Маърузада пойтахтимизнинг бугунги тараққиёти, келгуси истиқболлари чуқур таҳлил этиб берилди.

## Дил сўзи

Жуда кўп қузаатамиз, Юртбошимиз ҳар бир чиқишларида, албатта, ёшларнинг таълим-тарбия олиши, иш билан таъминланиши, ҳаётда муносиб ўрнини топиши учун яратиб берилаётган шарт-шароитларга алоҳида тўхталиб, бу борада эътибор қаратилиши лозим бўлган муҳим жиҳатлар хусусида ўз мулоҳазаларини, тақлиф ва тавсияларини билдиради. Бу гал ҳам шундай бўлди. Жумладан, "Женерал Моторс" компанияси билан биргаликда ташкил этилган автомобиль двигателлари ишлаб чиқарадиган қўшма корхонанинг салоҳияти, унда меҳнат қилаётган ёшлар билан урашганларидан олган таассуротлари тўғрисида айтган самимий фикрлари биз, мазкур жамоа аъзоларининг қалбига чексиз гурур ва ифтихор туйғуларини бахш этди. Айтиш жоизки, ўша учрашув биз учун ҳам бир умрга унутилмас дамларни тўхфа этган. "Мен ҳам ўз вақтида

кўп заводларда ишлаганман. Тошкент қишлоқ ҳўжалик машиналари, Тошкент технологиялари ўзлаштириш мактабини ўтаганман. Лекин "Женерал Моторс" билан ҳамкорликда ташкил этган корхонамиз, бу — бутунлай янги бир олам. Бу ишлаб чиқариш мажмуасини, албатта, бориб кўриш керак. Бу ерда ёшларимиз юксак технологияларни қандай билимдонлик ва маҳорат билан бошқараётгани ҳаммани қойил қолдирмоқ-

да", деди давлатимиз раҳбари. Бундай юксак эътироф бизни ўз ишимизга янада масъулият билан ёндашишга, Ўзбекистон фарзандлари ҳеч қимдан кам эмаслигини тўла намоён этишга ундайди. Дарҳақиқат, қўшма корхонамиздаги шарт-шароитлар ҳавас қилишга арзийди. Бу ерда энг замонавий технологиялар ёрдамида йилга 225 минг дана янги авлод двигателларини ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Бундай маҳсулотлар жаҳон бозорида ҳам ниҳоятда хариддоргир. Жамоамизда меҳнат қилаётганларнинг барчаси хорижлик мутахассислар иштирокида ўқитилиб, билимларини мустаҳкамлашган. Айтайлик, 120 нафар ёш "Женерал Моторс"нинг АКШ, Германия, Австрия, Хиндистон, Жанубий Кореядаги заводларида малака ошириб қайтган. Жумладан, мен ҳам тенгқурларим қаторида шундай имкониятдан фойдаланиб, Хиндистонда соҳага оид билимларини бойлтирдим. Бу эндиликда меҳнат фаолиятимда жуда катта ёрдам бераётпти.

Биз, ёшлар бор куч ва имкониятимиз, ақлий салоҳиятимиз ҳамда иқтидоримиз билан ҳамкорликда ташкил этган корхонамиз, бу — бутунлай янги бир олам. Бу ишлаб чиқариш мажмуасини, албатта, бориб кўриш керак. Бу ерда ёшларимиз юксак технологияларни қандай билимдонлик ва маҳорат билан бошқараётгани ҳаммани қойил қолдирмоқ-

**Зафарбек АБДУЛЛАЕВ,**  
**"Женерал Моторс" Пауртрейн — Ўзбекистон қўшма корхонаси муҳандиси.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2012 йил 27 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юртиши, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:\*)

1 Австралия доллари	1928,67	1 Украина гривнаси	230,85
1 Англия фунт стерлинги	2925,27	1 Малайя рингити	600,78
1 Дания кронаси	329,06	1 Польша злотийи	589,64
1 БАА дирҳами	501,92	1 СДР	2842,36
1 АКШ доллари	1843,50	1 Туркия лираси	1025,02
1 Миср фунти	305,62	1 Швейцария франки	2030,06
1 Исландия кронаси	14,62	1 евро	2439,55
1 Канада доллари	1848,49	10 Жанубий Корея вони	16,20
1 Ҳингй юани	292,46	10 Япония йенаси	223,08
1 Россия рубли	62,70		

\*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.



*Кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани туфайли соҳа вакилларининг фаолияти тобора кенгайиб бораётди. Бундай эътибор ҳамда имкониятлар қўламини, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида янада ошди.*

## Жараён

Биргина мисол, ўтган йили кичик бизнес субъектлари учун ягона солиқ ставкаси 6 фоиз этиб белгиланди. Вахлонки, бу миқдор 2005 йилда 13, 2010 йилда эса 7 фоиздан иборат эди. Тадбиркорлик фаолиятини янада эркинлаштириш ва ҳимоялашга қаратилган бу каби энгилликлар, ўз навбатида, уларни янги марраларга ундаяпти. Хусусан, бугунги кунда Хоразмда 11300 та кичик бизнес субъекти фаолият юритмоқда. Қўвонарлиси, поёнига етган йилнинг ўзида 1150 та тадбиркорлик субъекти ташкил этилди. Натижада

айни пайтга келиб соҳа вакилларининг вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотидеги улуши 72,1 фоизга, аҳоли бандлигидаги ҳиссаси эса 79,8 фоизга етказилди.

Боғот туманидаги совун ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Йомут ниҳол" хусусий корхонаси ҳам ички бозорга дадил кириб бораётган тадбиркорлик субъектларидан бири ҳисобланади. Улуғбек Қўшназаров ташаббуси билан иш бошлаган мазкур корхонага "Қишлоқ қурилиш банк"нинг вилоят филиалидан 350 миллион сўм миқдорда кредит ажратилгач,

бу ерга хориждан замонавий ускуналар келтириб ўрнатилди. Ҳозирги кунда корхонада соатига 300 килограмм, 15 турдаги атир ва ҳўжалик совуни ишлаб чиқарилмоқда.

— Маҳсулотимизнинг бозори чаклон, — дейди тадбиркор Улуғбек Қўшназаров биз билан суҳбатда. — Шунга яраша даромад ҳам чакки эмас. Энг муҳими, технологияларимиз ниҳоятда тежамкор. Электр энергиясини кам сарфлаб, деярли чиқитсиз ишлайди. Бу омиллар, табиийки, фаолиятимизни кенгайтириш, ишчи-ҳодимларимиз даромадини

оширишга имконият яратаяпти. Шу босис яқин кунларда янги маҳсулот — идиш-товоқ ювишда ишлатиладиган гелъ тайёрлашни ҳам йўлга қўйиш ниятидамиз.

Шу билан бирга, корхона жамоаси келгусида кир ювиш қуқуни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш йўлида изланиш олиб бормоқда. Бу "Йомут ниҳол" корхонаси фаолияти янада ривожланишидан далолатдир.

**Ойбек РАҲИМОВ,**  
**"Халқ сўзи" мухбири.**  
**СУРАТДА:** корхона фаолиятдан лавҳа.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ**  
олган сурат.

тўлиқ таъминланган. Ушбу транспорт воситаларининг афзаллиги шундаки, уларда суный нафас бериш, юрак, қон босими, томир уришини ўлчаш ва бошқа зарур усуллари йўл-йўлақай бажаришга мўлжалланган тахшис ҳамда муолажа ускуналари мавжуд. Фахрланиб айтсак арзийдики, бундай қўлай имкониятлар инсон ҳаёти ва саломатлиги ҳар нарсадан устун саналадиган юртимизнинг энг чекка қишлоқ жойлари, бориш қийин бўлган олис ҳудудларида ҳам яратилмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Боситхонова иштирок этди.

**Фурқат САНАЕВ.**

Носир ХАЙДАРОВ олган сурат.

**«Ўзбек Лизинг Интернешнл А.О.»**  
**КОМПАНИЯСИ**

Ўзбекистон халқини

# Жаврўзи олам

билан чин дилдан қутлайди.

Мустаҳкам оила  
 йилининг  
 такрорланмас, гўзал  
 айёмида барчага  
 бахту саодат,  
 яхшилик ва  
 эзгуликлар ёр  
 бўлишини тилаймиз!

**T L Z**  
 TOSHKENT LOK-BO'YOQ ZAVODI

**«TOSHKENT LOK-BO'YOQ ZAVODI» OAJ**  
 жамоаси

барча юртдошларимизни, ҳамкорларини янгилашни ва эзгулик рамзи —

## Наврўз байрами

билан самимий табриклайди!

Сизларга мустаҳкам соғлиқ, хонадонингизга  
 файзу барака, тинчлик-хотиржамлик,  
 ишларингизда омад тилайди.

**Байрамингиз муборак!**

Ўзбекистон Республикаси халқ усталари,  
 ҳунармандлари, мусаввирлари

# «Ҳунарманд» уюшмаси

жамоаси

барча юртдошларимизни  
 яшарли ва янгилашни байрами —

## Наврўз айёми билан

самимий муборакбод этади.

Ушбу қутлуғ айём барча-барчага хушайфият,  
 битмас-туғанмас қувонч бахш этсин!

**«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**  
**Самарқанд вилояти филиали**

бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибида ўтказиладиган очiq аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига суд департаменти Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан, Тошкент шаҳри, Олмазор (собиқ Собир Раҳимов) тумани судининг 2010 йил 2 апрелдаги 1-17/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги мулклар такроран қўйилмоқда:

- «Жасурбек» хусусий ишлаб чиқариш савдо-тижорат фирмасига тегишли, Самарқанд шаҳри, Фарҳод кўрғонда жойлашган омборхона биноси, умумий майдони — 18589,29 кв.м., қурилиш ости майдони — 1947,44 кв.м.  
**Бошланғич баҳоси — 460 590 000 сўм.**
- «Жаҳон-жон» хусусий корхонасига тегишли, Самарқанд шаҳри, Сўғдиёна маскани, Истироҳат боғи ҳудудидаги чойхона биноси, умумий майдони — 5826,66 кв.м., қурилиш ости майдони — 461,8 кв.м.  
**Бошланғич баҳоси — 245 766 000 сўм.**
- «Жаҳон-жон» хусусий ишлаб чиқариш савдо-тижорат фирмасига тегишли, Самарқанд шаҳри, Магистраль кўчаси, Аэропорт-9 манзилида жойлашган автобекат биноси, умумий майдони — 10947,96 кв.м., қурилиш ости майдони — 382,64 кв.м.  
**Бошланғич баҳоси — 80 411 000 сўм.**

Шунингдек, аукцион савдосига қуйидаги мулклар такроран қўйилмоқда:

- «Каттақўрғон-ғишт Шоҳжаҳон» хусусий корхонасига тегишли, Каттақўрғон шаҳри, Туркистон кўчаси, 41-«А» уйда жойлашган ғишт заводи биноси, умумий майдони — 99999,38 кв.м., қурилиш ости майдони — 18943,72 кв.м.  
**Бошланғич баҳоси — 1 784 671 200 сўм.**
- «Бентонит Жаҳон» хусусий корхонасига тегишли, Каттақўрғон шаҳри, Туркистон кўчаси, 41-уйда жойлашган ғишт заводи биноси, умумий майдони — 2058,262 кв.м., қурилиш ости майдони — 3913,6 кв.м.  
**Бошланғич баҳоси — 455 707 800 сўм.**
- «Жаҳон-жон» хусусий ишлаб чиқариш савдо-тижорат фирмасига тегишли, Самарқанд шаҳри, Магистраль кўчаси, Аэропорт-9 манзилида жойлашган автобекат биноси, умумий майдони — 26853,84 кв.м., қурилиш ости майдони — 4413,18 кв.м.  
**Бошланғич баҳоси — 863 388 360 сўм.**

Аукцион савдоси 2012 йил 13 апрель кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2012 йил 11 апрель кuni соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган зақалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Самарқанд вилояти филиалининг АТ «Турон» банки Самарқанд шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609013, МФО: 00282, СТИР: 207122519.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Самарқанд ш., Бўстонсарой к., 85-«А» уй. Телефон: (8-366) 233-80-56.  
 Расмий сайтимиз: www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

**«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**  
**НАВОЙ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**

бошланғич баҳоси олиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Навой шаҳар СИБ, Кармана тумани ФИБСнинг 2011 йил 4 августдаги 4310-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Навой шаҳри, 2-даҳа санитар ҳимоялаш зонаси ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 829,18 кв.м., ишчи майдони 761,43 кв.м., 16 хонадан иборат бўлган А, А1-литерлардаги «Шодлик» савдо дўкони биносининг бир қисми қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 280 000 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2012 йил 27 апрель кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2012 йил 25 апрель кuni соат 18.00.

Мазкур савдога қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган зақалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси АТ «Ипотека-банк» и Навой филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20200800504920609007, МФО: 00205, СТИР: 207122519.

Савдо ўтказиладиган манзил: Навой ш., П. Очилов к., 24-уй, Навой вилояти Давлат мулкни бошқариш бошқармаси маъмурий биноси, 1-қават.  
 Телефонлар: (8-436) 224-44-01, 224-15-61.  
 Расмий сайтимиз: www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

**Муҳтарам юртдошлар! Сиз учун имконият!**

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизларга мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча турдаги кўчмас мулкларни, хусусан, ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ва тураржой биноларини оммавий савдога чиқаришда маслаҳат-консалтинг хизматларини кўрсатади ҳамда савдоларни қонуний ва сифатли ташкил этишда амалий ёрдам беради.

Кўрсатилаётган хизматлар «KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг кўп йиллик тажрибага эга, малакали мутахассислари томонидан амалга оширилади.

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизнинг ишончли ҳамкорингиз бўлишини қафолатлаймиз.

520-29/1441

**ООО «SHANXAY PLAST GROUP»**  
 ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ

производит  
**полиэтиленовые трубы**

Ø от 16 до 800 мм  
 для водоснабжения, канализации и газа,

соединительные детали:  
**тройники, переходники,  
 отводы, адаптеры.**

НА ВСЮ ПРОДУКЦИЮ  
 ИМЕЕТСЯ СЕРТИФИКАТ СООТВЕТСТВИЯ,  
 ГИГИЕНЫ И ГИБКАЯ СИСТЕМА СКИДОВ.

Производим поставку, монтаж  
 и комплектацию ПЭ-трубопроводов  
 Ø от 16 до 800 мм  
 под ключ.

Гарантия качества! Звоните!

г. Ташкент, ул. Шайхантахурская, 36,  
 бизнес-центр «Лабзак», 3-й этаж.  
 Тел./факс (8-371) 244-83-00,  
 моб.: (+998 93) 547-49-75, (+998 97) 734-46-70  
 WWW.pipilene.uz E-mail: sedou2006@yandex.ru

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси жамоаси масъул ҳолим Нодир Малвалиева волидаи муҳтарамаси  
**Гулчехра МАҲМУДОВА**нинг  
 вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги жамоаси Бошқарув органларини молиялаштириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари — бўлим бошлиғи Г. М. Ариповага волидаи муҳтарамаси  
**МУҲАРРАМ** аянинг  
 вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Тошкент ислом университети жамоаси Исломушунослик илмий тадқиқот маркази директори Дурбек Раҳимжоновга падари бузруквори  
**ОБИДЖОН** отанинг  
 вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

2-сонли Республика клиник шифохонаси жамоаси кадрлар бўлими бошлиғи Феруза Ашраповага волидаи муҳтарамаси  
**МУКАМБАР** аянинг  
 вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

## Фахр

Оила — муқаддас даргоҳ. Эзгу ният ва ёруғ орзу-умидлар билан оила курган киши умрбод бу улуғ маскан шаънини ҳимоя қилишга интилади. Фарзандларига яхши тарбия бериб, уларни эл-юртга нафи тегадиган инсонлар этиб вояга етказишга ҳаракат қилади. Бу эса азал-азалдан халқимизнинг оилапарвар эканлигини далolatдир. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2012 йилга "Мустақам оила йили", деб ном берилиши замирида ҳам эзгу қадриятларимизга чексиз ҳурмат мужассам.

## СПОРТЧИЛАР ОИЛАСИ

Мутахассисларнинг фикрича, оиладаги ижобий муносабатга путур етмаслиги, кўп ҳолларда, эр-хотиннинг дунёқараши, қасбу қорига ҳам боғлиқ экан. Бу борада, айниқса, битта соҳа вакилларининг ўзаро турмуш қуриши аини муддао эканлиги кўп қузатилган. Шу боис биз бу гал мақоламиз қахрамонларини спортчилар оиласидан қидирдик. Демак, улар билан танишинг: боксчи Дилшод Махмудов ва стол тенниси устаси Саида Махмудова.

Албатта, юртимизда ушбу спортчилар ҳақида эшитмаган муҳлис бўлма-с керак. Негаки, уларнинг ҳар иккиси ҳам ўзлари танлаган спорт тури бўйича бир неча йиллардан ўрта-юқори мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келишмоқда. Масалан, Дилшод Махмудов ҳаваскор боксда Ўзбекистон, Осиё, жаҳон чемпионатларида муваффақиятли иштирок этган. Уч қарра ёшлар, икки бора катталар ўртасида Ўзбекистон чемпиони бўлган. Шунингдек, у 2002 йилда Пусанда ўтган Осиё, 2003 йил Аффо-Осиё

ва ўша йили Марказий Осиё ўйинларида олтин медалларни кўлга киритган. 2004 — 2008 йилларда ўтказилган ёзги Олимпиада ўйинларида қатнашган маҳоратли спортчимиз 2005 йилда Хитойда ташкил этилган жаҳон кубогига кумуш медал билан тақдирланган. 2004, 2005, 2006 йилларда Италия, АҚШ ва Германия мамлакатлари мезбонлик қилган ҳарбийлар ўртасидаги жаҳон чемпионатларида голиб чиққан.

2008 йилда жаҳон кубогига кумуш медални кўлга киритган ҳамюртимиз ордан бир йил ўтиб, ўз имкониятини профессионал боксда синаб кўришга қарор қилди. Эътиборли жиҳати, ҳаваскорлар ўртасидаги мусобақаларда катта тажриба ва маҳорат тўплаган Дилшод Махмудов бокснинг бу йўналишидаги турнирларда ҳам муваффақиятли юришини давом эттирмоқда. Буни унинг шу кунгача тўрт жанг ўтказиб, барчасида галаба қозонгани ҳам кўрсатиб турибди.

Спортчилар оиласида вояга етган Саида Махмудованинг ҳам кўлга кирит-

ган ютуқлари бундан кам эмас. Отаси Саидикром Бурхонхўжаевдан (стол тенниси бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мурабийи) ушбу спорт тури сирларини ўрганган ҳамюртимиз ўн уч ёшидан Ўзбекистон терма жамоаси сафида мусобақаларда иштирок этиб келмоқда.

Мамлакат миқёсидаги кўплаб турнирларда муваффақият қозонган Саида 1999 йилда Швецияда ўтган Бутунжаҳон ёшлар ўйинларида олтин медал билан тақдирланган. Шунингдек, ўша йили Германияда ташкилланган Европа очиқ кубогига голиб чиққан. Саида Махмудова мамлакатимизнинг энг истеъдодли спортчилардан бири. У халқаро тоифадаги спорт устаси ҳисобланади.

Дилшод ва Саида 2002 йилда Пусанда ўтган Осиё ўйинларида танишишган. Орадан уч йил ўтиб, бахт тўйларини нишонлашган.

— Барча ютуқларимиз истиқлол йилларида юрти-

мизда ёшларни маънан ва баркамол шахслар қилиб тарбиялашга қаратилган юксак эътибор ва гамхўрлик самарасидир, — дейди Дилшод Махмудов. — Дунёнинг кўплаб мамлакатларида мусобақаларда бўлганимда у ерларда шарт-шароитларни мамлакатимиздаги имкониятлар билан солиштириб шундай ҳулосага келганман.

Дарвоқе, икки спортчининг фарзандлари ҳам спортга ҳавасманд. Олти ёшли Билал ҳозир "Пахтакор" футбол клуби тарбияланувчиси ҳисобланади. Ушбу масканда тажрибали мурабийлардан "миллионлар ўйини" сирларини ўрганаётган Билалнинг мақсади ота-онасидек машхур спортчи бўлиш. Уч ёшли Робиъа эса ҳозир дан оқ онасидан стол теннисини зўр иштиёқ билан ўрганмоқда.

— Фарзанд, аввало, ота-онанинг ҳаракатлари, уларнинг юриш-туришини ўзида тақрорлашга интилади, — дейди Саида Махмудова. — Ўғлим Билал отаси ҳамда мен кўлга киритган медал ва кубокларни кузатишмоқда. Мен ҳам шундай ютуқларга сазовор бўламан", дейди. Шунда ўз-ўзимдан фахрланиб, гурурланиб кетаман.

Фозилдин АБИЛОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Реклама ва эълонлар

**«Тошрангметзавод» ОАЖ**  
жамоаси днёримиз аҳлини

**Наврўз айёми**  
билан муборақбод этади.

Баҳор — олам шароватини кўз-кўз этувчи фасл.  
Наврўз — барча эзгуликлар уйғуллашган байрам.  
Азиз юртдошлар, баҳор кўзалитин, Наврўз тоду хуфрамлин сизларни шарк этмасин!

**Хонадонингиз тинч, кўнглингиз хотиржам, бағрингиз бутун бўлсин!**

**«PSM GROUP» ОАЖ**  
Республика ихтисослаштирилган улгуржи база-контораси жамоаси

барча юртдошларимизни қутлуғ айём —

**Наврўзи олам**  
билан тин дилдан қутлайди!

Ҳаётимиз осуда, хонадонимиз тинч,  
дастурхонимиз тўқин бўлсин, азизлар!  
**Байрамингиз муборақ бўлсин!**

**«Ўздонмаҳсулот»**  
акциядорлик компанияси жамоаси

Ўзбекистон халқини  
**БАҲОР** шароватини  
олиб келган  
**Наврўз байрами**  
билан самимий  
муборақбод этади!

Азамат ғаллакорлар, донни қайта ишлаш, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноати ходимларига, барча юртдошларимизга сиҳат-саломатлик, баҳорий кайфият тилаб, кўзлаган режалари амалга ошишини, дастурхонлари тўқин-сочин бўлишини тилайди.



2012 йил 16 мартда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2012 йил 1 апрелдан киритиладиган кўмир учун декларация қилинган нархларни қайд этиш 19-03-22-05-0'zR-12-2012-сонли реестрни тасдиқлади.

Монопол бирлашма (корхона) номи	Маҳсулот номи	Ўртача ҳисобланган меъёри, %		Ўлчов бирлиги	ҚҚС билан 1 тонна маҳсулотга улгуржи нарх, сўмда
		Куллик	Намлик		
«О'ЗБЕК-КО'МИР» ОАЖ	2 ВРК 50-300 (200) Бюджет ташкилотлари учун	14,4	35,8	тонна	28 300
	Биржа орқали	14,4	35,8	тонна	36 500
	Аҳоли учун	14,4	35,8	тонна	36 500
	2 BOMSSH 0-50	23,8	35	тонна	46 400
	2 BOMSSH-B-1 0-50	32,5	35	тонна	35 800
	2 BOMSSH-B-2 0-50	46,7	35	тонна	21 100
	2 BR 0-300 (200) Бюджет ташкилотлари учун	21,8	35,5	тонна	34 700
	Биржа орқали, бошқа истеъмолчилар учун	21,8	35,5	тонна	44 500
	2 BR-B-1 0-300 (200)	32,5	35,5	тонна	34 900
	2 BR-B-2 0-300 (200)	46,7	35,5	тонна	19 300

## Изоҳ:

- Маҳсулот куллиги ва намлиги бўйича ўртача ҳисобланган меъёри фоиз ҳисобида GOST 8298-89, GOST 8302-87, Tsh 12-17:2007, Tsh 12-18:2007, GOST 8297-87 га мувофиқ ўрнатилган. Кўмир сифати бўйича ўзгариш бўлганда, чегириш (ёки қўшиш) меъёрлари № 03-01-1988 преискуррант бўйича қўлланилади. Куллиги бўйича ҳар бир фоиз кўпайиши ёки камайишига белгиланган нархдан 2,5%, намлик бўйича 2,0% микдориди.
- Ушбу тарифлар кучга кириши билан 2011 йил 1 октябрдан амал қилган тарифлар (2011 йил 28 сентябрдаги 19-03-22-05-0'zR-53-2011-сонли реестр) ўз кучини йўқотди.

Халқ сўзи  
Народное слово

## Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 354. 106 617 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тогаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — А. Орплов.  
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.  
Навбатчи — Ф. Абилов.  
Мусаҳҳиҳ — Х. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.20 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5